



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 26 октябрь, № 222 (7452)

Шанба

Сайтимизга Ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни банк тизimini ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривож-лантириш ва ишлаб чиқа-ришни молиявий қўллаб-қув-ватлашда банклар муҳим ўрин тутadi. Шу боис ушбу молиявий институтларнинг барқарорлиги ва ҳаётдаги ролини оширишга катта эътибор қаратишмоқда.

Кейинги йилларда Давлат бюджетидан тижорат банк-ларига дастурларни молия-лаштириш учун 8,4 трилли-он сўм, айланма маблағлар учун 400 миллион доллар, устaв капиталини ошириш учун 1,7 миллиард доллар маблаг ажратилди. Умуман олганда, сўнгги икки йил ичида банклар капитализа-циясини ошириш учун 3,3 миллиард доллар давлат маблағи берилди.

Йиғилишда бу маблағлар-дан самарали фойдаланил-маётгани, истиқболли лойи-ҳаларни амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга қўмақлашиш, ми-жозлар ва банк даромадла-рини кўпайтириш борасида-ги ишлар етарли эмаслиги танқид қилинди.

Мисол учун, хусусий банк-лар кредит ресурсининг яр-мидан кўпини депозитлар ҳисобига шакллантираётган бўлса, давлат банкларида бу кўрсаткич атиги 10 фоиз ат-рофида. Шунингдек, давлат банклари кредит портфели-нинг ярмидан кўпи 5 та йирқи давлат қорхонаси ҳис-сасига тўғри келади. Ҳануз-гача эскирган дастурий таъ-минотлардан фойдаланаёт-гани учун банк хизматлари сифати талаб даражасида эмас.

Тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида банклар фаоли-я-тида давлат иштироки бос-қичма-босқич қисқартирил-моқда. Хусусан, давлат дас-турлари доирасидаги кре-дитлар фоизи қайта молия-лаш ставкаси билан тенг-лаштирилди ва 2021 йилдан тўлиқ эркинлаштирилиши белгиланди. Бу банкларни кўпроқ миқоз топиш, ресур-с жалб қилиш, кредит аж-ратиш бўйича изланишга, ривожланишга ундайди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркор-ликни ривожлантириш давлат дастурлари доираси-да амалга оширилаётган лой-йҳаларни кредитлаш тарти-бини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, банк-лар трансформациясини тез-лаштириш ва сифатли амал-га ошириш мақсадида барча давлат банкларидаги акция-дорлик вазифаси Молия вазирлигига юклатилди.

Йиғилишда Молия вазир-

лиги ва Марказий банкка Жаҳон банки билан бирга-ликда банк секторини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга яқунлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари тижорат банкларининг ҳозир-ги ҳолатини таҳлил қилиб, долзарб чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитлар-нинг 90 фоизи узоқ муддат-га берилган. Айрим банклар-да жорий харажатлар даро-мадга нисбатан 60 — 70 фо-изни ташкил этади. Шу боис банкларни молиявий соғлом-лаштириш ва уларнинг бар-қарорлигини таъминлаш ма-салалари ҳам муҳокама қилинди.

Банкларнинг миқозга йўналтирилган, аҳолининг кенг қатламига мўлжаллан-ган хизматларини кўпайти-риш ҳамда кредитлаш тар-тибини соддалаштириш бўйича топшириқлар берил-ди. Онлайн ва мобил алоқа орқали хизмат кўрсатиш, чет элларда кенг тарқалган “ско-ринг” ва автоматлаштирил-ган модулли кредит ажратиш тизимини кенгайтириш за-рурлиги қайд этилди.

Банкларнинг ташкилий ту-зилмасини такомиллашти-риш, бизнесга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизими ва кузатув кенгашлари фа-олиятини жонлантириш муҳи-лиги кўрсатиб ўтилди. Инвес-тициявий жозибадорликни ошириш орқали хусусий сектор иштирокчини кенгайти-риш зарурилиги таъкидланди.

— Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича “уз ара-васини ўзи тортиши” керак. Шундагина бозор шароити-га мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади, — деди Президент.

Йиғилишда кадрлар маса-ласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Марказий банк ҳузурида ташкил этилаётган Банк ходимларини қайта тайёрлаш корпоратив мар-кази ва Тошкент молия институти бу борада жиддий шугулланиши лозимлиги қайд этилди. Банк ходимла-рининг миқозлар билан иш-лашини рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини сама-радорлигига қараб баҳолаш индикаторларини жорий этиш бўйича ҳам кўрсатма-лар берилди.

Йиғилиш сўнгига “Саноат-қурилишбанк” ҳамда Халқ банкининг 2020 йил ва истиқболдаги режалари тақдироти ўтказилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда кўрсатган мардлик ва жасорати, шунингдек, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Каримов Мураджан Кабилович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Биченов Олег Ревазович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда ҳавфсизлиқни таъминлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан

Белова Марина Евгеньевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бош юриконсулти

Мусаев Бахадир Еркимбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

«Мардлик» ордени билан

Кади́рбердиев Абдумуталиб Уралович (мархум) — Сирдарё вилояти Янгйер шаҳар ички ишлар бўлими ходими

Рахманов Шавкат Наврузович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

«Жасорат» медали билан

Пайзабеков Рамил Рахимбаевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Ўскембаев Медет Мухтарович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Ходжаназаров Сардор Мамашукорович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси инженери

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Бакиров Эркин Бўронович — Жиззах вилояти Фаллаорол тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Гафуров Жаҳангир Абдурахимович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

Ишмухамедов Сагдулла Нигматжанович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали етакчи нейрхирурги

Муллажанов Абдимажид Файзулаевич — Тошкент шаҳар Олмазор тумани бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Мурадова Зибо Яркуловна — Навоий вилояти Навоий шаҳар бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори

Нажимов Бокибилло Холматжонович — Андижон вилояти Шахрихон тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Эшимова Ўралтош Жумаевна — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори

«Шухрат» медали билан

Бобоев Тўлқин Мухторович — Бухоро вилояти Жондор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Дусмуродов Шухрат Хайдарович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинимаси командири

Кудайбергенов Муратбек Жиенбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Латипов Мансурбек Махмудович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Мустафакулов Шерзод Шавкатович — Жиззах вилояти Бахмал тумани ички ишлар бўлими терроризм ва экстремизмга қарши курашиш гуруҳи катта тезкор вакили

Сатторов Шерқузи Султонович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи

Сотибодиев Насимжон Гулматович — Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлинимаси бошлиғи

Хайдаров Даврон Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Ходжабаева Наргиза Исаковна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 октябрь

ЭЪТИРОФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кунини муносабати билан вазирлик маданият саройида байрам тадбири ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобоқонов ва бошқалар бугунги кунда давлатимиз раҳбари бошчилигида “Қонун ва адолат — устувор” тамойили асо-

сида мамлакатимиз тинчли-ги ва осойишталигини таъ-минлаш, ички ишлар тизи-ми фаолияти самарадорли-гини ошириш, уни замона-вий босқичга кўтаришга қаратилган изчил ислохот-

лар олиб борилаётгани, бу жараёнларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳ-камлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкид-ладилар.

Мамлакатимиздаги бар-

Тадбир

қарорлик, тотувлик, осойишталик ва фаровонлик халқаро ҳамжамият эътирофи-га ҳам сазовор бўляпти. Бунда юртимиз ички ишлар органлари тизими замон талаблари даражасида та-комиллаштирилаётгани, соҳа ходимлари зиммасига юклатилган машаққатли, аммо шарафли вазифалар-ни фидойийлик билан бажа-раётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси-нинг “Ички ишлар органла-ри тўғрисида”ги Қонунининг амалиётга татбиқ этилгани соҳа фаолиятини янада та-комиллаштириш ва иш сама-радорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



Сайлов комиссиялари: ДЕМОКРАТИК, ОЧИҚ ВА МУСТАҚИЛ

Жорий йилда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг олдингисидан кескин фарқи бор. Бу йилги сайлов кампаниясига “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” шиори остида старт берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаш-лари депутатлигига номзодлар кўрсатиш, улар-ни рўйхатга олиш — сайлов кампаниясининг муҳим жараёни ҳисобланади. Унинг қонуний, адолатли, ҳолис ва юқори савияда ташкил эти-лиши сайловчиларнинг муносиб номзодларни танлаб овоз беришларига хизмат қилади.

Сайлов кодексининг 9-моддасига муво-фиқ, сайлов округларини тузишда сайлов-чилар сонининг йўл қўйилмаган энг кўп четга чиқиши, қоида тариқасида, 10 фойиздан ош-маслиги кераклиги белгиланди. Аввалги қонунчиликда бу микдор аниқлаштирилма-ган эди. Яна бир янгилик, эндиликда 10-модда билан Қонунчилик палатаси, ма-ҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир

вақтда ўтказилган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари томони-дан ягона сайлов участкалари тузилади.

Сайлов қонунчилигига оид шу каби янги-ликлар Марказий сайлов комиссияси таша-буси билан ўтказилган Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутати сайловини ўтказув-чи 150 та округ сайлов комиссиялари раис-лари, Қорақалпоғистон Республикаси Мар-казий сайлов комиссияси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раис-лари ва котиблари учун ташкил қилинган ўқув-тренингда алоҳида қайд этилди.



МЕГА-ЛОЙИҲА У ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БУТУН МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

Биз, ўзбекистонликлар белорусча меҳмондўстлик ва умуман, ушбу мамлакат ҳақида нималарни биламиз? Брест қаҳрамонлари, Беловеж ўрмони, Якуб Колас, “Сябры” (“Дўстлар” ансамбли), ўша ерда ишлаб чиқарилган юк машиналари ва тракторлар ҳақида эшитганимиз, ҳолос. Асосий биланларимиз рўйхати шу бўлса керак.

МАХСУС РЕПОРТАЖ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари 2019 йилнинг ўзида қўшимча 33,2 минг гектарда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш имконини берди, бу эса шу каби технологиялар қўлланилаётган ерлар умумий майдонининг 44 фойзини ташкил этди.

Бироқ сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон атиги 75 минг гектарни ёки умумий суғориладиган ер майдонларининг 1,7 фойзини ташкил этаётгани қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмларини янада кенгайтириш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги даражасини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонида мувофиқ 2019 — 2022 йиллар давомида 253 381 гектар экин майдонида сув тежовчи технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланганилиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг: 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4087-сон қарорига мувофиқ пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм микдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-4161-сон қарорига мувофиқ янги узум плантацияларини яратиш мақсадида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишга узум экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 миллион сўм микдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4246-сон қарорига мувофиқ янги боғлар ва иссиқхона хўжалиқларини яратиш мақсадида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга экин майдонининг ҳар бир гектари учун 6 миллион сўмдан ошмаган микдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).



«ОРОЛБЎЙИ – ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЗОНАСИ»

Нукус шаҳрида БМТ томонидан ташкил этилган шу номдаги халқаро анжуманда 200 нафардан зиёд хориж давлатлари дипломатик корпуслари, халқаро экологик ташкилотлар вакиллари, мутахассислар қатнашди. Улар аввалига Орол инқирози оқибатлари, уни бартараф қилишга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари кўргазмаси билан танишдилар.

Халқаро анжуман

Тадбирда Президентининг конференция иш-тироқчиларига йўллаган мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов ўқиб эшиттирди.

Сўнгра БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг иш-тироқчиларга йўллаган ви-деоурожаати намойиш этилди.

Нуфузли анжуманда эко-логик тоза технологиялар-ни ишлаб чиқиш ва жорий этишга хорижий инвести-цияларни кенг жалб қилишга шарт-шароит яратиш, яшил иқтисодиёт тамойилларини, экологик тоза, энергия ва сувни те-жайдиган ва озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлай-диган технологияларни жо-рий этиш, қўлланишнинг



олдини олиш, экологик миграция ва экотуризмни ривожлантириш каби дол-зарб масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Орол денгизи қурши миллий ва хатто минтақавий фожиа бўлиб, бу экологик, икли-мий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларга олиб келадиган, инсон фаолияти натижасида юза-га келган энг глобал эко-логик офатлардан бири-дир. Шу боис у нафақат Ўзбекистон, балки минта-қадаги барча мамлакатлар-нинг барқарор ривожлани-шга жиддий ҳавф туғдир-моқда. Шунингдек, Орол денгизи фожияси минтақа-даги иқлим шароитини ҳам ёмонлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ
РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **2020 йилда 43 825 гектарда**, шу жумладан: **24 859 гектар** — пахта экин майдонларида; **11 498 гектар** — мевали экин майдонларида; **4 987 гектар** — узумзорларда; **2 481 гектар** — бошқа экин майдонларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича **тасдиқланган прогноз кўрсаткичларининг самарали бажарилишини таъминласин**.

2. **2020 йил 1 январдан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги тартиби** белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 1-иловага мувофиқ **субсидиялар** тақдим этилади;

бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган **импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутисин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга қўмаклашувчи ишчи гуруҳларга қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқаришда сув тежовчи суғориш технологияларининг барча турларини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилсин.

4. Белгилансинки:

а) **сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш учун сув етказиб бериш насос станциялари ва насос агрегатлари ёрдамида**, шу жумладан, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан амалга ошириладиган **экин майдонлари устувор хисобланади**;

б) **2020 йил 1 январдан** ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси

етиштирувчи **қишлоқ хўжалиги корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби бекор қилинади**;

в) **2022 йил 1 январдан**:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмоил қилган **электр энергияси қийматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби фақат сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилади**;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан **сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан** қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга **сув тежовчи суғориш технологияларини қўллаш шарти билан рухсат этилади**.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2019 йил 20 ноябрга қадар** ҳудудлар ва экин майдонларини кўрсатган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ва сув тежовчи суғориш тизимлари турлари кесимида **2020 йил учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастури** ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **ўн кун муддатда** мазкур қарорга мувофиқ **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш тартибини** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда**:

сув тежовчи суғориш тизимларининг бутловчи бўюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш соҳасида **саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш** бўйича мавжуд имкониятларни ўргансин;

сув тежовчи суғориш тизимларининг маҳаллийлаштирилиш лозим бўлган бутловчи бўюмлари ва эҳтиёт қисмларининг аниқ рўйхатини мавжуд хом ашё ресурсларини инobatга олган ҳолда шакллантирсин;

8. **2020 — 2022 йилларда сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи бўюмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва унинг қувватларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг **Исроил Давлати, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Туркия Республикасидаги** элчихоналари ва мамлакатнинг хориждаги бошқа дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда:

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни кенгайтиришда, шунингдек, мамлакат ҳудудларида сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи бўюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун чет эл инвесторларини жалб қилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қўмаклашшини;

2020 йил 1 июнга қадар ушбу банд ижроси доирасида қўрилаётган чоралар тўғрисида **ҳар ой** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 январга қадар** сув хўжалиги насос станцияларида Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келувчи ўлчов асбоблари жорий этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олимлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда **2019 йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш самарадорлиги юзасидан ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил ўтказсин**, уларнинг натижалари асосида: **2019 йил 15 декабрга қадар** сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш натижалари ва ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

2020 йил 1 февралга қадар ҳудудлар, суғориладиган далалар ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда уларнинг навлари хусусиятларидан келиб чиқиб, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ва қўллаш бўйича **услубий тавсиялари**, шунингдек, улардан фойдаланиш **самарадорлигини баҳолаш мезонларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) **2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси** лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни назарда тутисин:

2021 — 2025 йилларда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишнинг **асосий йўналишлари ва устувор ҳудудлари**, шунингдек, **2030 йилгача мақсадли мўлжалларни**;

сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонлар ўлчамини инobatга олган ҳолда **сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини босқичма-босқич ошириш** ҳамда насос станцияларини бошқаришни мақбуллаштиришни;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш тадбирларини халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг **грантлари ҳамда узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириш тартибига ўтиш** ва харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаш механизмларини жорий этишни;

Парламент ҳаёти

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Парламент қуйи палатасининг шу йил 22 октябрда ўтказилган ялпи мажлисида депутатлар томонидан “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилинган эди.

Муҳбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Мактабгача таълим соҳасининг ҳуқуқий асослари aloхида қонун билан мустаҳкамланаётгани ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан келажақ авлод таълим-тарбиясига кўрсатилаётган ғамхўр-

ликнинг яққол намунаси-дир.

Ҳужжатдаги муҳим янгилıklarдан бири шуки, унда илк бор ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим мактабларига ўқишга киришидан бир йил олдин унинг давлат мактабгача таълим ташкилотларида бепул мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтиши қайд этилган.

Шунингдек, қонун лойиҳаси тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан тақомилига етказилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларининг турлари аниқ кўрсатиб қўйилди, уларнинг иш режими, мак-

табгача ёш даврлари, болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ҳамда улардан чиқариш ва бошқа масалаларга ҳам аниқ нормалар киритилди. Бу нафақат амалиётда ишловчилар, балки ота-оналар учун ҳам ҳар томонлама қулайлик туғдирди.

Илк бор мазкур қонун билан мактабгача таълим тизимида меҳнат фаолиятини амалга оширишга доир қатъий талаб ва чекловлар белгиланмоқда. Буларнинг барчаси болаларнинг интеллектуал, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Алишер ҲАМРОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Қонундаги нормалар мактабгача таълим у а с с а л а р и н и малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқув жараёнига замонавий таълим дастурларини жорий этиш ва мактабга тайёрлаш даражасини оширишни назарда тутди.

Ўз навбатида, ҳужжат билан миллий қонунчилигимизда биринчи марта мактабгача ёшдаги болаларнинг эрта ривожланиш жараёни aloхида босқичларда бўлиши, яъни болаларни тарбиялаш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамда мактабгача таълим ва тарбиянинг уйғунлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонунда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг, таълим беришнинг муқобил шакллари ташкил этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди. Энди мактабгача таълим тизими том маънода узлуқсиз таълимнинг муҳим бошланғич қисмига айланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (‘Халқ сўзи’) ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисида маъқулланган бир қанча қонунлар давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Уларда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётини янада ривожлантиришга оид бир қатор янги нормалар кўзда тутилган. Бу ҳақда сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

Янги қонунлар

Мухамет ЖУМАҒАЛДИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Жорий йилнинг 22 октябрида Президентимиз томонидан имзоланган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизнинг валютага оид яғноа давлат сисёати амалга оширилишини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

Қонунда валютани тартибга солувчи давлат органи сифатида Марказий банк белгиланди. У ўз ваколатлари доирасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади. Бундан ташқари, валюта биржалари фаолиятини лицензиялайди ва тартибга солиди, банклар учун очик валюта позициясининг лимитларини белгилайди.

Қонун билан Марказий банк Ўзбекистон Республикаси банкларининг валютани тартибга солиш тўғрисида-

ги қонун ҳужжатларига риоя этишга доир фаолиятини назорат қилиши қайд этилди. Шу билан бирга, у мамлакатимиз ва унинг ташқарисида валюта операцияларининг барча турини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Эндиликда жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини мамлакатимизга олиб кириш чекловларсиз амалга оширилади. Ўз навбатида, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини давлатимиздан ташқарига олиб чиқиш юз миллион сўм эквивалентдан ортик бўлмаган суммада амалга оширилади. Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортик суммада олиб чиқиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан нақд валютани ва чет эл нақд валютасини республикага олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тақиқланади.

Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валюта назорати органлари ҳисобланади.

Умуман айтганда, мазкур Қонун мамлакатимизда валютани тартибга солиш соҳасидаги давлат сисёатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлигини таъминлаш, резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг ноқонуний аралашувига йўл қўймаслик, валютани тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг бирлиги, Ўзбекистон Республикаси валютасининг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлашда бозор механизмларига асосланиш каби иқтисодиётдаги долзарб масалалар ечимига қаратилган.

дорлар учун зарур маблағни, хусусан, олдинги кредитордан навбатдаги гаровни таъминлаш учун мулкни сўраш заруратисиз навбатдаги гаров механизми воситасида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради. Қонун билан киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалардан мақсад, таъминот сифатида масъулият юклатилган мол-мулкка бошқа битимлар бўйича ҳам навбатдаги гаров сифатида иштирок этиш ҳуқуқини беришдан иборат.

Ёндашувларнинг бундай ўзгартирилиши, мол-мулк эгаларига мол-мулкда жамланган капитални мамлакат иқтисодиёти ривожига тўлалигича йўналтиришга замин яратди.

«Халқ сўзи».



«Сайлов — 2019»

«Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади...»

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 11-моддасидан.



1 киловатт учун 1330 сўм

Етиб боришим билан бир савол туғилди: белорусларга атом станцияси ўзи нима учун керак? Чунки шу пайтгача мамлакат бн-рро марта электр энергияси та-қислгини бошдан кечираётгани-ни эшитмаган эдик.

Кейин аён бўлишича, муаммо ҳажмда эмас, сифатда экан. Би-нобарин, ушбу давлатда номинал электр манбалари диверсификация қилинган. Масалан, гарчи респу-блика иссиқ иқлимга эга бўлмаса-да, қуёш электр станциялари мав-жуд. Лекин энергетика “ойла”сига барйбир газ “ўҳжайиччилик” қил-пти. Қувватларнинг қарйб 95 фой-зи айнан ушбу турдаги ёқилғи ҳисобидан ишлаб чиқарилмоқда. Аммо ўзларида газ деярли йўқ ва асосан, импорт қилинадиган қим-мат “зангори олов” ёқлаётйр. Боз устига, у ўзидан моили уғлероди изни ҳам қолдирмоқда. Аҳоли эса 1 киловатт/соат учун 6,1 центдан 7,2 центгача (бизнинг пулда 570 — 680 сўм), юридик шахслар эса 14,1 центгача (1330 сўмгача) тўлайди.

Шунинг учун ҳам энергетика ти-зиммида атом станцияси пайдо бўлиши мантиқий қадам сифатида қабул қилинди. Албатта, бунда энергетика хавфсизлиги масаласи эътибордан четда қолгани йўқ. Бе-ларусь энергетика вазири ўринбо-сари Вадим Зякревскийнинг фик-рича, бу устувор вазифалардан би-ридир.

Истеъмолчилар эса замонавий технология қурилмаларда ишлаб чиқарилган арзон, қарабатош ва ишончли электр энергиясига эга бўлишлари керак. Синеокаядagi ушбу талабларга жавоб берадиган манба бугун фойдаланишга деяр-ли тайёр. АЭС мамлакат эътиҳжи-нинг 30 фоизини таъминлайди. На-тижада газли, қолаверса, фақат битта манбага боғланиб қолган манбалар улуши 60 фоизгача қисқаради.

Юқоридагиларга уйғун равиш-да шу каби лойиҳалар яқин кела-жак манзараларида ҳам ўз ифода-сини топти. Экспертлар урбани-зация, рақамли технологиялар ва саноатлашувни дунёни ўзгарти-раётган учта тренд деб эътироф этишмоқда. Энергияга бўлган талаб ўсаяпти. Хисоб-китобларга кўра, яқин ўн йилда у икки бароб-ар ошади. Бу инфратўзимларар учун жуда катта микдорда юк-ланиш дегандиган. Биз рақамли технологиялар, оҳанраболи ёстиқчалар устидаги тезуор поездлар ҳақида гапиришни яқши кўрамыз, электромобиллар яратганларни замонамиз қаҳра-монлари деб биламиз. Аммо яқин йиллар учун оддий холга айлан-ган бундай нарсалар аслида “жуда очкўз” бўлиб, юқори куч ва кучла-нишдаги энергия билан озиклана-ди. Масалан, электромобилни олиб кўрайлик. Уни том устига



У ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БУТУН МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

қўйилган қуёш панели орқали, ай-тайлик, бир кеча-кундуз ёки ун-дан кўп вақтда қувватлантириш мумкин. Энергиянинг анъанавий манбасидан эса аккумулятор анча тез “тўйинади”. Фарқи сезясисиз-ми? Агар прогностларни ҳисобга оладиган бўлсак, 2050 йилга бо-риб электромобиллар ва гибрид двигателли автоуовлар бутун дунёдаги енгил машиналар парки-нинг ярмини ташкил этади. Бу юқоридаги каби саволни қайта беришга ҳожат қолдирмайди.

ташкilotлар жалб этилди. Зеро, келгусида айнан ушбу корхоналар таъмирлаш ва реконструкция жа-раёнларида ҳам қатнашади. Иш-чиларни жойлаштириш учун кўп қаватли уйлари бунёд этиш бош-ланди. Бунинг ортидан мактаблар, дўконлар, овқатланиш нуқталари пайдо бўлди. Кенг йўллар солин-ди, бинолар фасадлари ёрқин рангларда жилваланди. Туман мар-казидаги қишлоқ (посёлка) шу қадар тез қад ростладикки, пиро-вардида у ўз мақомини ўзгарти-

кўз қўйгандек ярашиб тушади. Ай-рим маълумотларга кўра, “атом клуби” давлатларидаги станция-ларга яқин худудлардаги иш ҳақлари ўртачадан 40 фоиз кўп экан. Бу пуллар форишликларга ҳам ортиқчалик қилмайди.

Шов-шувлар ортидан қувиб “Газета тўқимаси” тушунчаси бу-гунги кунга келиб “фейк” дея қайта

ЧИЧИК УРАН ТАБЛЕТКАСИНИНГ КАТТА СИРИ

Реакторнинг фаол зонасида 9 — 12 мм.ли таблетка кўринишидаги кучсиз бойитилган уран диоксидидан ёқилги сифатида фойдаланилади.

Бир дона уран таблеткаси = 5 гр. Битта ёқилги таблеткасининг иссиқлик ажратиш захираси куйидагига тенг:

- 360 м³ газ
- 350 л. нефть
- 640 кг. ўтин
- 400 кг. тошқумир
- 170 кеча-кундуз велосипедда тўхтовсиз ҳаракатланиш

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

УМ «Халқ сўзи»

Хавас қилгулик атомчилар шахри

Мамлакат пойтахтидан 150 километр узоқликда жойлашган Гродненск областининг Островец тумани тарихи таҳминан олти асрга тенг. Бироқ охириги ўн йилда мазкур заминда воқеалар том маъ-нода қайнай бошлади. Сабаби ўша пайтда тумандан 20 километр узоқ-ликда Беларус атом электр стан-цияси барпо этилиши маълум бўлганди.

Аср қурилишига мутахассислар олиб келинди. АЭС эксплуатация-си билан банд ишчи-ҳодимларнинг 30 фоизи атрофдаги туманлар аҳолиси эканлиги эътиборга лойик. Бунёдкорлик ишларига тумандаги

ришига ҳам тўғри келди. Бир неча йил олдин Островецнинг шахар дея қайта номлашди.

Беларусь АЭС бош директори Михаил Филимоновнинг сўзлари-га кўра, Островец яшаш фонди бўйича сезилари ютуққа эришди. Ушбу мега-лойиҳа бошланган 2008 йилдан буён икки баробар кўп тураржой қурилди. Яқин ку-ларда шахарда тиббиёт мажмуаси ҳам очилди.

Бу ерда қурилган қатор янги бинолар киши хавасини келтира-ди. Ўзбекистоннинг биринчи АЭСи қад ростлайдиган Фориш туманида эса ҳозирча манзара умуман бошқача. Лекин бир неча йил ўтиб ўзаро туташиб кетган инфратўзимлар янги атомчилар шахри Жиззах вилоятига узукка

ном олди. Лекин у қандай атали-шидан қатъи назар, текиширилма-ган ёки ёлгон ахборот ростдан ҳам узоқ умр кўриши мумкин экан.

Тасаввуримизда юз йил ортга қайтамыз. 1909 йил Беларуснинг биринчи “Наша Нива” газетасида тасвирли хабарча берилди.

Островецдан унча узоқ бўлма-шан қишлоқда яшовчи одамлардан бири журналистга 1908 йил 17 де-кабрь тонгида момақалдирок гум-бурлаб, унинг уйидаги дераза ой-налари зир титрагани ҳақида га-пириб беради. Шунда газетачи шов-шув “хиди”ни сезиб, хулоса чиқаради ва ёзади: “Бу зилзила эди!”

Тўб аҳоли хабарни экзотика деб ҳисоблайди. АЭС қурилишга қар-шилар эса ушбу мақолага жуда

ЭЪТИРОФ ВА МАСЪУЛИЯТ



“Хавфсиз шахар”, “Хавфсиз пой-тахт”, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз хонадон” концепциялари ҳаётга тат-биқ этилиши билан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сони камаймоқда. Ички ишлар идораларининг мод-дий-техника базаси тубдан мустаҳ-камланди. Соҳа ҳодимлари жаҳон андозаларига мос алоқа, техника ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди. Ти-зимини нафақат жисмонан, балки маънан етуқ кадрлар билан тўлди-риш борасида улкан ишлар амалга оширилляпти.

Қўрилаётган изчил чора-тадбир-лар натижасида биргина шу йил-нинг ўтган тўққиз ойида 4 500 дан ортиқ маҳаллаларда жиноят содир этилмади. Яна бир муҳим жиҳати, эл-юртимиз осоиштилагини таъ-минлашга муносиб ҳисса қўшаёт-ган қўлаб ички ишлар органлари ҳодимларининг фидокорона хизма-ти давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан бир гуруҳ ички иш-лар органлари ҳодимларига Вата-нимизнинг юксак муқофотлари топ-ширилди.

— Байрам муносабати билан ҳам-касбларимизга юксак давлат муқо-фотлари топширилгани соҳамизга бўлган эътибор ҳамда ишонч ифо-даси, деб биламан, — дейди Жиз-зах вилоятининг Гафларол тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори, “Содиқ хизмат-лари учун” медалги соҳибى Эркин Бакиров. — Бундан кейин ҳам ушбу ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва мамлакатимиз осоиштилагии йўлида фидойилик билан меҳнат қилишга ваъда бераман. Бу муқо-фот бизга катта куч беради, ши-жо-ат бағишлайди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, дав-лат ҳамда жамоат ташкилотлари мутасаддилари ва кенг жамоатчи-лик вакиллари қатнашган тадбирга санъаткорларнинг концерт дастури янада фазй бағишлады.

«Халқ сўзи».

Сайлов комиссиялари: ДЕМОКРАТИК, ОЧИҚ ВА МУСТАҚИЛ



Жорий йилнинг 22 декабрида Олий Махлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-ларга бўлиб ўтадиган сайловларга юқори савияда тайёргарлик қўриш ҳамда иштирокчиларнинг уни ўтказиш билан боғлиқ билим ва кўникмалари-ни, амалий тажрибаларини ошириш-га қаратилган тадбир юқори савияда уюштирилди.

Тренинг округ сайлов комиссияля-ри раисларига гувоҳномаларни тан-танали топишириш маросими билан бошланди. Шундан сўнг, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, ко-тибйиб аъзолари ҳамда мутахассис хо-димларнинг сайлов қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маъ-мун-моҳияти, уларни амалиётда қўллаш тартибига оид маърузалари тингланди.

— Семинарда барча маърузалар бир-бирини мантиқан тўлдириб, ҳудудлардаги сайлов комиссиялари янги шариотда ўтказиладиган сай-ловларга тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш учун эъти-бор қаратишларни лозим бўлган ма-салааларни оддий, тушунарли тилда баён қилинди, — дейди Наманган ви-лояти сайлов комиссияси котиби

Бобур Камалов. — Сайлов жараёни-даги янгиликлардан яна бир эъти-борнинг жиҳати, Сайлов комиссияси фаолиятига жалб қилинган барча иш-ловчи ҳодимларга асосий иш жойи-даги иш ҳақи сақланган ҳолда, улар ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифа-ларини бажаришдан тўлиқ ёки қис-ман озод қилинади. Бунда уларга компенсация тўлови тўлаб берила-ди. Бу, албатта, мажбурий меҳнат-нинг олдини олишда, сайлов ташки-лотчиларнинг масъулиятни ҳис қил-ган ҳолда сиёсий тадбирларни ўтқа-зишларида ихобий самара беради.

Маълумот учун: Олий Махлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтқа-зувчи округ сайлов комиссиялари 9 — 11 нафар таркибда сайловга ка-мида 70 кун қолганида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузи-лади. Округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғис-тон Республикаси Жўқорги Кенге-си, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шахар Кенгашлари томони-дан тасвия этилади. Қонунчилик па-латаси депутатлари сайловнинг ўтқа-зиш учун 150 та ҳудудий сайлов ок-руги тузилади. Ҳар бир сайлов ок-ругидан битта депутат сайланади. Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов

округларнинг чегаралари Қорақал-поғистон Республикасининг, вилоят-ларнинг ва Тошкент шахрнинг маъ-мурий-ҳудудий тузилиши инобатга олинган ҳолда, қоида тарикасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда белгиланади.

Тадбирда Сайловчиларнинг яғо-на электрон рўйхати ва уни шакл-лантиришга оид тадбирлар хусуси-да ҳам сўз борди. Электрон рўйхат 18 ёшга тўлган, доимий ёки вақтин-чалик рўйхатда турувчи, муомалага лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (20 млн. нафардан зиёд фуқаро) ҳақидаги маълумотларни жамланган давлат ахборот ресурси ҳисобланади. СЯЭРда бир сайлов-чининг икки марта овоз бериш ҳолатларининг олдини олиш, сайлов участкаларига тегишлилиги бўйича сайловчилар рўйхатининг аниқ ки-ритилиши, кўчмас мулк объектлар-нинг кадастр рақамларига боғланган ҳолда сайловчилар рўйхатини шакл-лантириш кабиларни таъминлайди.

— Бу йилги сайловларга замона-вий ахборот технологияларининг жо-рий этилаётганлиги нафақат сайлов иштирокчиларининг ишмини осонлаш-тирди, балки сайловчилар учун ҳам кенг имкониятларни яратди, — дей-

ди Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Мадийёр Бобожонов. — Хусу-сан, “Сайлов — 2019” мобил илова-сининг яратилгани, ундан жой олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув материаллари, савол-жавоблар, тестлар ва барча аудио, видео ма-териаллари фойдаланувчилар учун, улар хох сайлов комиссиялари аъзо-лари, хох кузатувчилар ёки сайлов-чи бўладими, партия вакилларию ОАВ ҳодимлари бўладими, барча учун қулайлик ва тезкорлик билан зарур ахборотни олиш имкониятини беради. Бу эса фуқароларимиз, сай-ловчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга улкан ҳисса қўшади.

Шунингдек, ўқувлар жараёнида участка сайлов комиссиялари тар-кибини шакллантириш, депутатлик-ка номзодларни рўйхатга олиш, Сай-лов комиссиялари фаолиятини мо-лиялаштириш, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдала-ниш тартиби, сайловолди ташвиқо-тини ташкил этиш ва ўтказиш маса-лалари, халқаро ва хорижий куза-тувчилар билан ишлаш хусусиятла-ри ҳақида маърузалар тингланди.

Муносибон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

«ОРОЛБЎЙИ – ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЗОНАСИ»



Анжуманда Оролбўйида экологик инно-вациялар ва технологиялар ҳудудини таш-кил этиш концепцияси лойиҳаси, Оролбўйи минтақа-сини “Экологик инновациялар ва технологиялар ҳуду-ди” деб эълон қилиш тўғрисидаги БМТ Бош Ассам-блеясининг махсус резолюцияси, Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш бўйича ми-нтақавий дастур тақдироти ва муҳокамаси бўлиб ўтди.

Шунингдек, халқаро конференцияда экологик тоза технологияларни ишлаб қиқиш ва амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яра-тиш, “яшил иқтисодиёт”, экологик тоза, энергия ва сув тежайдиган технологиялар тамойилларини комплекс татбиқ этиш, қўлланиш ва экологик миграциянинг да-вом этишига барҳам бериш ва экотуризмни ривожлан-тириш йўналишларида ййгилишлар ўтказилди.

Экспертлар қўли:

Питер БУРИАН, Европа Иттифокнинг Марказий Осиёдаги махсус вакили:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Орел денгизи қуриши оқибатида юзага келган вазиятни юмшатиш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясида дунё жамоатчилиги эътиборини ушбу ма-салага қаратди ва БМТ шафелигидаги Оролбўйи минта-қаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама ше-риклик асосида траст фонди ташкил этилишига эришди. Бу ташаббусни қўлаб-қувватлади, яъни 5 миллион АҚШ доллари микдорида маблаг ўтказилди. Биз шу билан чек-ланиб қолмоқчи эмасмиз, бу борадаги режаларимиз кўп.

Наталья ГЕРМАН, БМТ Бош қотибнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:

— Бу ерда бошланган ҳорол ишларни қўриб, бир нарсасга амин бўлдикки, Орел денгизи ҳудуди, шунинг-дек, минтақада истиқомат қиладиган барча халқлар учун хавфсиз муҳит яратилади. Боз устига ҳудудда экоту-ризм ривож топиб, хорижлик сайёҳлар учун энг қизи-қарли йўналишлардан бири сифатида ўрин олади. Халқ-аро анжуман ана шундай эзгу ишларга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди, десак айни ҳақиқатдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»).

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси жамоаси институтнинг Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси Азамат Остонакуловга онаси Турсунной ОСТОНАКУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дилшод УЛУҒМУРОВО («Халқ сўзи»).

ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА ИННОВАЦИЯСИЗ ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида «Инновация — 2019» халқаро XXIV илмий-амалий анжумани ташкил этилди.



Тадбир инновацион маданиятни шакллантириш, инновацион-технологик ривожланиш бўйича ишларда

олимлар, саноатчилар ва ёшларнинг иштирокини жадаллаштириш, мамлакатимиз фан ютуқларини жамлаш

ҳамда намоийш этиш, маданий, илмий ва техник ҳамкорлик соҳасида тажриба алмашиш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш, хорижий иштирокчиларни мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти билан таништириш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, миллий инновацион тизим ва инновациялар XXI асрда давлатнинг энг муҳим стратегик вазифаларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, янги

саноат ва молиявий технологияларни жорий этиш, интеллектуал салоҳиятни кўтариш, экспортга мўлжалланган маҳсулот чиқариш, валюта захирасини жамғариш кўп жиҳатдан инновацион омиллар ва маданиятга боғлиқдир.

Анжуман шубҳаларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Уларда Навоий кон-металлургия комбинати базасидаги энг йирик инновацион тоғ-металлургия кластери-нинг йўлга қўйилиши, саноатни рақамлаштириш муаммолари ва истиқболлари, “Ягона дарча” божхона ахборотлаштирилган тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Орол экологик инқирозини ҳал қилишда янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, нефть-кимё корхоналари чиқиндиларини қамайтириш ва йўқ қилиш технологияларини ишлаб чиқиш масалалари ҳам анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Тадбир томонларнинг тажриба алмашиш, инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқларида кенг қўллаш юзасидан халқаро амалиётни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Молия муассасаларида



ТАШАББУС, ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ВА МАХСУС ТАКЛИФЛАР

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Бозорбоши ҳамда Қорақўрғон маҳаллалари аёлларининг ақсарияти тадбиркорлик билан шуғулланиб, худуд ривожига, оиласига нафигаётганидан мамнун. Гап шундаки, бундан бир муддат олдин акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мазкур маҳаллаларда истиқомат қилувчи 150 нафар хотин-қизга эчки жунидан рўмол тўқиш учун 1,6 миллиард сўмлик кредит ажратилган эди. Аввало, ўзларининг интилувчанлиги, қолаверса, банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида уларнинг ҳар бири ойига ўртача 1,5-2 миллион сўм даромад оляпти. Ишбилармон аёл сифатида танилмоқда.

корликка фаол жалб этиш юзасидан муҳим кўрсаткичлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, Халқ банки вилоятда хотин-қизлар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида мева-сабзавот ва жунни қайта ишлаш ҳамда қандақчилик фаолиятини ривожлантириш юзасидан 5 та таклиф бўйича жами 3 миллиард сўмлик лойиҳалар аниқланиб, унинг доирасида

Яна бир жиҳат: ақин вақт ичида Халқ банки кредит олувчиларга, хусусан, хотин-қизларга маблағ ажратишда мураккаблашган механизмдан бутунлай воз кечмоқчи. Яъни шу кунларда мутахассислар томонидан кредитлар ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи янги “скоринг модели” ишлаб чиқилмоқда. Бу билан туман, шаҳар ва вилоятлардаги кредит комиссиялари тўлиқ тугатилади. Демак, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилди.

Дарҳақиқат, бугун ишбилармонликда хотин-қизларимиз жуда фаол. Уларнинг бизнес юртишлари билан боғлиқ барча жараёни либераллаштириш, соддаштиришда, молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнида акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам муносиб иштирок этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, ушбу ҳужжат асосида бугунги кунга қадар 1 451 лойиҳа ижросига 32,2 миллиард сўм миқдорида кредит тақдим этилди. Яна 89 лойиҳага ҳам 4,5 миллиард сўм миқдорида маблағ берилди.

Шунингдек, жорий йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 34 641 тадбиркор аёлга 554,6 миллиард сўмлик кредит берилиши тўғрисида 35 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, бюджетга 1,1 миллиард сўмлик солиқ тушумлари тушиши таъминланди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга имтиёзли тарзда 7,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қароқдорлигини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, биригина Андижон вилоятида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” таъминлий асосида 32 та йўналиш бўйича 419 та ихтисослаштирилган маҳалла ўрганиш чиркиди. Шундан 63 та маҳаллада 16 та ўзига хос йўналиш — қасаначилик, қосибчилик, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, пичоқчилик, дўпдўпчилик, гулчилик, дуррадгорлик, қаштачилик, қулоқчилик, меҳмонхона хизмати, рўмол тўқиш, сават тўқиш, тўқимачилик бўйича



6,9 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, ушбу йўналишларда маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Иш билан банд бўлган 630 киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

2019-2020 йилларда жами 145 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шундан жорий йилда 1,9 миллиард сўмлик, 2020 йилда 1,1 миллиард сўмлик лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

Умуман олганда, акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қаратишмоқда. Бунинг натижасида ишчилар ишли бўлиб, рўзгорларига барака қирмоқда, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзга чиқмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш ҳозир, назаримизда. Айни кунларда Тошкент шаҳридаги “Ўзқўрғазмасавдо” биносидан “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан “BusinessWomenExpo — 2019” халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирда Ўзбекистондаги бир қатор молия муассасалари қаторида Халқ банки ҳам фаол иштирок этиб, ўзининг ушбу йўналишдаги ишларини намоян қилапти. Молия муассасаси мутахассислари хотин-қизлар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашмоқда, кредит олиш ёки ваколатига доир бошқа масалаларда амалий кўмак беришга интиломоқда. Бу ҳам келгуси фаолият учун пухта замин яратди, албатта.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ янгиликлари

ЁШ СТОМАТОЛОГЛАР ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАСИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкент давлат стоматология институтига мамлакатимиз ҳамда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг 18 та жамоаси иштирокида “Стоматология Юга — 2019” халқаро олимпиадаси ўтказилди.

Билимлар беллашувида табиёт олий таълим муассасаларининг юқори босқичларида тахсил олаётган 5 нафар талабадан иборат жамоалар қатнашди.

Бўлажак мутахассислар терапевт стоматология, ортопед стоматология, жароҳлик стоматологияси, болалар стоматологияси ва ортодонтия йўналишларида ўзаро баҳс олиб бординлар. Танловда Тошкент давлат стоматология институтига талабалари 2 та 1-ўрин, 2 та 2-ўрин, 1 та 3-ўрин ва 1 та мутлақ голиб билан энг юқори ўринларни эгаллади. Институт талабаси Дияра Исанова халқаро олимпиада-нинг мутлақ голибаси бўлди. Умумжамоа ҳисобида Киров давлат табиёт университети ва Кубан давлат табиёт университети юқори поғоналарни эгаллади.

ЕВРООСИЁ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING ЯНГИ АЪЗОСИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Евроосиё педагогика университетлари ассоциацияси аъзосига айланди.

Ассоциация 2015 йилда Олмаота шаҳрида МДХ давлатлари педагогика университетлари ректорлари йиғилишида таъсис этилган. Таъсис шартномалари 48 та университет томонидан имзоланган.

Ташкилотнинг асосий фаолияти МДХ давлатларидаги ассоциацияга аъзо бўлган университетлар ўртасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва педагогик таълимни ривожлантиришдан иборат.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги шахсий компьютерлар ва коммутация ускуналарини сотиб олиш учун тендер эълон қилади.

Тендерларда хорижий компаниялар ҳам, ташкилотлар ҳам, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шу жумладан, уларда иштирок этиш шартларини бажарган, тендер асосида сотиб олинган маҳсулотнинг тегишли ҳажмини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва жойлашган манзили:
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги.
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй.
Телефон: 71-207-00-66 (1050), факс: 71-207-00-66. E-mail: info@davxizmat.uz, davxizmat@exat.uz.

2. Тендер предмети:

Лот т/р	Товар номи	Микдори	1 донаси учун бошланғич нархи ўзбек сўмида	Бошланғич қиймати ўзбек сўмида	Закалат пули ўзбек сўмида
1.	Персонал компьютер Monitor 24 LED (тўлиқ маълумот тендер ҳужжатларида). Тизимли блок (тўлиқ тавсиф тендер ҳужжатларида).	1 000	5 103 000	5 103 000 000	102 060 000
2.	Тармоқ коммутатори Портлар сон: ● Камида 24 10/100/1000 RJ-45 автоматик тезликни аниқлайдиган портлар. ● Камида 2 та 100/1000 Mbit / sF даражали SFP портлари (тўлиқ тавсиф тендер ҳужжатларида).	200	3 307 500	661 500 000	13 230 000

3. Тендер ўтказиш жойи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй.

4. Тендер комиссияси тендерда қатнашишга рухсат берилган иштирокчиларни саралашни тендер доирасида амалга оширади.

Савдо қатнашчиларига малакавий талаблар:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаслиги;
- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа манбаларга эга бўлиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлмаслиги;
- малака мезонларини тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиши;
- аввал тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- тендер ўтказилишидан камида олти ой олдин таъсис этилганлиги;
- бююртмачи ва ишчи орган билан иштирокчи ўртасида арбитраж ёки суд тартибида низолашилмаётганлиги;
- имтиёзли солиқ ҳолати ва/ёки молиявий операциялар ўтказилаётганда маълумотларни очиб бериш ва тақдим этишни назарда тутмаган (оффшор ҳудудлар) давлатлар ва ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлик, шунингдек, оффшор ҳудудларда жойлашган банкларда ҳисоб рақамлари мавжуд эмаслиги. Мазкур ҳудудларда ишлаб чиқариш қувватлари жойлашган компаниялар бундан мустасно.

5. Етказиб бериш шартлари: (Инкотермс-2010 бўйича):
— маҳаллий етказиб берувчилар учун: DDP бююртмачининг Тошкент шаҳридаги омборигача етказиб бериши;
— хорижий етказиб берувчилар учун: CIP Тошкент.
Товар автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортлари орқали етказиб берилиши мумкин.

6. Тўлов шартлари ва тендер таклифларини расмийлаштириш ҳамда бошқа талаблар тендер ҳужжатларида кўрсатилади.

7. Таклифларни таъминлаш шакли тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

8. Масъул шахс: Турдиев Сардор Равшанович — Моддий-техника таъминоти бўлими бош мутахассиси. Тел.: 71-207-00-66 (1050); E-mail: info@davxizmat.uz, davxizmat@exat.uz.

9. Тендер таклифлари 2019 йил 23 ноябрь Тошкент вақти билан соат 12.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уйда қабул қилинади. Телефон: 71-207-00-66, факс: 71-207-00-66. Электрон манзил: info@davxizmat.uz, davxizmat@exat.uz.

10. Тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунириш бўйича сўровлар ихтиёрий шаклда Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уйда қабул қилинади. Телефон: 71-207-00-66, факс: 71-207-00-66. Электрон манзил: info@davxizmat.uz, davxizmat@exat.uz.

11. Тендер савдолари бўйича ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон қилинган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғафғоров. Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6